



КАМАРБАЛИҚ ЦУНАМИ ДАРАКЧИСИМИ?

2019 йил бошида Япония қирғоғида бир неча ҳалок бўлган камарбалиқнинг танаси топилди. Япон ривоятларига кўра, бу ҳолат яқин вақтда цунами рўй бериши даракчиси ҳисобланади. Яна бир японларни ташвишлантирган нарса бу одатда 200 дан 1000 метргача чуқурликда яшайдиган камарбалиқнинг еттитаси ўтган йилги мавсумда балиқчиларнинг тўрларига илинганидир.

Камарбалиқ ёки Селдлар қироли Тинч, Атлантика ва Ҳинд океанларининг иссиқ, ўртача иссиқ ва мўътадил сувларида, асосан тропик минтақада ва Ўрта ер денгизи ҳавзасида, шунингдек, Шимолий-Шарқий Атлантикада – Исландия сув ҳавзаларида ва Шимолий денгизда 500-700 м, баъзан 1000 м чуқурликларда учрайди. Унинг узунлиги 3 метргача боради.

Истеъмол қиладиган озуқа турига кўра, камарбалиғи йиртқич – планктофагадир: унинг озуқасида кичик планктон қисқичбақасимонлар, майда балиқлар ва қалмарлар қайд этилган. Селдлар билан битта тўрга тушиб қолишидан, бу балиқларнинг селдлар билан ҳам озикланишини кўрсатади. Елка сузгичининг узунлашган биринчи шулалари томонидан ҳосил бўлган бошининг устидаги «тож» туфайли бу балиқ «Селдлар қироли» деган номини ҳам олган.

Селдлар қироли одатда, танасини тик қилиб, боши юқорига кўтарилган ҳолатда сузади. Шу билан бирга унинг зичлиги сувниқидан каттароқ бўлгани сабаб у ўз танасини чўкишдан сақлаб, бир маромда ушлаб туради ва узун елка сузгичининг тўлқинсимон ҳаракатлари натижасида аста-секин ёнига силжийди.

Селд қиролини овлаш иқтисодий аҳамиятга эга эмас. Унинг гўшти истеъмолга ярамайди, ҳатто хайвонлар ҳам уни истеъмол қилмаслиги мумкин. У фақат балиқчилик спорти объекти сифатида алоҳида қизиқиш уйғотади.

2010 йилда Японияда ўзини қирғоққа ташлаган 10 та Селдлар қироли топилди. Маълумки, бир неча ой ўтгач, 2011 йилнинг мартада содир бўлган zilзила ва ундан кейинги цунами минглаб одамларнинг ҳаётига завола бўлди ва Фукусима атом электростанциясини вайрон қилди. Бу ўз навбатида японларнинг ривоятга ишончини орттирди. Лекин ушбу балиқларнинг zilзилаларни олдиндан сезиши ҳақида ҳеч қандай илмий далиллар бўлмасда, хайвонларнинг zilзиладан дарак бериш ҳолатлари маълум.

Улуғбек Мирзаев.
ЎЗР ФА Зоология институти.

РЫБА-РЕМЕНЬ – ПРЕДВЕСТИК ЦУНАМИ?

В начале 2019 г. на японском побережье были обнаружены несколько особей ремень-рыбы. Согласно поверьям, эта рыба является предвестником цунами. В предыдущий сезон в сетях рыбаков оказалось семь особей этой глубоководной рыбы, обитающей обычно на глубинах от 200 до 1000 метров.

Ремень-рыба или сельдяной король встречается в тёплых, умеренно тёплых и умеренных водах Тихого, Атлантического и Индийского океанов, прежде всего, в тропической зоне и Средиземноморье, а также в Северо-Восточной Атлантике – в водах у Исландии и в Северном море. Встречается на глубине 500–700 м, но иногда и 1000 м, её размер достигает в длину до 3 метров.

По типу питания ремень-рыба является преимушественным хищником-планктофагом: в её пище отмечены небольшие планктонные рачки, мелкая рыба и кальмары. По-видимому, она питается и сельдью, поскольку её вылавливали в сетях с сельдью. Благодаря «короне» на голове, образованной удлинёнными первыми лучами спинного плавника, она и получила еще одно название – сельдяной король.

Сельдяные короли обычно плавают головой кверху, располагая тело в вертикальном положении. При этом они поддерживают от погружения в глубину своё тело, удельный вес которого больше, чем вес воды, и поступательно перемещаются с небольшой скоростью за счёт волнообразных движений длинного спинного плавника.

Промысловой ценности сельдяные короли не представляет. Мясо сельдяного короля считается не вполне съедобным и от него могут отказываться даже животные. Представляет определённый интерес как объект спортивной ловли.

В 2010 г. в Японии были обнаружены десять сельдяных королей, выбросившихся на берег. Как известно, произошедшее через несколько месяцев в марте 2011 г. землетрясение и последующее цунами унесли жизни многих тысяч людей и разрушили атомную электростанцию Фукусима.

Хотя никаких научных доказательств столь раннего предчувствия землетрясений этими рыбами не существует, все же чувствительность животных к предвестникам землетрясений известна.

Улугбек Мирзаев.
Институт зоологии АН РУз.

